
Туман ёшлари “бизнес саёҳат”га чиқишди

Ёшлар бандлигини таъминлаш, уларда тадбиркорлик тушунчасини шакллантириш, тадбиркорликка кенг жалб қилиш ҳамда бизнес юритиш сирларини ўргатиш мақсадида Ўзбекистон туманининг бир гуруҳ ёшлари учун “Бизнес саёҳат” ташкил этилди.

"Yoshlar - kelajagimiz" жамғармаси Ўзбекистон туман филиали томонидан амалга оширилган мазкур ташаббусга 10 дан ортиқ ёшлар қамраб олинди.



Жонобод маҳалласида жойлашган "O'rin Sulton" деҳқон фермер хўжалигида уюштирилган “Бизнес саёҳат” давомида ёшлар тадбиркор фаолияти, хўжалик иссиқхонасидаги иш жараёнлари билан танишдилар.

Фермер хўжалик раҳбари ёшларга бугунги кунда халқимиз дастурхони учун етиштирилаётган маҳсулот турлари ва сифати, тадбиркорлигининг муваффақият сирлари бўйича маълумот берди.



Бу каби учрашув ва саёхатлар ёшларда изланиш, келажакка ёрқин кўз билан қараш, юрт равнақи учун доимо дахлдор бўлиш ҳиссини уйғотади.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2020-01-17 18:55:35